

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

МАХСУС СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

INNOVATIONS IN ECONOMY

SPECIAL ISSUE

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ПЛАТФОРМАЛАР ВА БИЗНЕС МОДЕЛЛАРИ
ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ" (DEUZ)
МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА
БАФИШЛАНГАН МАХСУС СОН



ТОШКЕНТ-2020

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР - ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY**

№SI (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI>

**Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:**

академик
Гулямов Сайдахрар Саидахмедович

**Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
Вохидова Мехри Хасановна

**"Иқтисодиётда инновация" журнали тахририй маслахат кенгаши
Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"
International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics**

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси /Экономическая теория / Economic theory

Назаров Ш.Х. - и.ф.д.
Гафуров У.В. - и.ф.д., профессор
Мустафакулов Ш. И. - и.ф.д., доцент
Сайфуллаева М.
Маматкулов И.А.

Nanuli Khizanishvili - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics
Екатерина Геннадьевна Господарик - к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

08.00.02-Макроиқтисодиёт / Макроэкономика / Macroeconomics

Салимов Б. Т. - и.ф.д., профессор,
Назаров Ш. Х. - и.ф.д.
Худайназаров А.К. - и.ф.д.
Худойкулов С. К. - и.ф.н. доцент,
Валиев Б. - PhD.
Сафарова Н.Н.

Зубиташвили Тамар - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти / Мировая экономика / World economy

Мурадова Х.М. - и.ф.д., профессор
Шарифхўжаев Ш.О. - и.ф.д.

Сардор Азам - и.ф.д.
Вохидова М.Х. - PhD.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти / Демография. Экономика труда /
Demography. Labor Economics**

08.00.13-Менежмент / Менеджмент / Management

Гулямов С.С. - академик
Умурзаков Б.Х. - и.ф.д., профессор,
Каршиев М.Э.
Маматкулов И.

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Gaibnazarova Zumrat Talatovna THE IMPACT OF HUMAN CAPITAL ON THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S INNOVATIVE ECONOMY.....	6
2. Артиков Неъматулла Абдусаламович РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ.....	13
3. Фуломова Нигора Фарҳод қизи РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ БОШҚАРУВИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР.....	22
4. Примова Нигора РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ТАЪСИРИ.....	30
5. Валиев Бобур "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ"НИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШ.....	38
6. Abdug'aniyev Muxriddin TA'LIM TIZIMIDA BOSHQARISH TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNI METODIK TIZIMI.....	52
7. Abdul Rashid Reshad MODERN POSSIBILITIES OF USING DIGITAL SYSTEMS IN EDUCATION.....	58
8. Абдуллаев М.Қ., Садинов А.З., Хомидов Х.Х., ЛОГИСТИК ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	65
9. Якубов М.С., Абулов Н.Б. ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТДА ДАВЛАТ ВА ҲУСУСИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ.....	71
10. Ахмедова Ойдин Пулатовна, Ахмедова Хусния Хусановна БАРДОШЛИЛИГИ ОШИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО АЛГОРИТМЛАРИ.....	80
11. Ashurov Muhiddin O'ljayevich, Ashurova Munisa Muhiddinovna, Hayitova Muhayyo Rahmatullayevna TA'LIMNI RIVOJLANTIRISHDA WEB SAYTLARNING AHAMIYATI VA O'RNI.....	87

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

12. Bekchanova Shoira Bazarbaevna OLIY TA'LIM TIZIMI RIVOJLANISH BOSQICHLARIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANGAN HOLDA MASOFADAN O'QITISH TA'LIM SHAKLI.....	91
13. Bekmetova Shoxida Qodirbediyevna BIOLOGIYA DARSLARIDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.....	97
14. Бурхонова Муножатхон Махкамбоевна, Шокирова Ашурхон Абдужалиловна ТАЪЛИМНИ ИСЛОХ ҚИЛИШДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ИННОВАЦИОН FOЯЛАР.....	102
15. Хуррамов Ортикжон Каюмович ИЎТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛАШУВИ ВА РАҚАМЛИ ТУРИЗМ.....	114
16. Жуковская Ирина Евгеньевна ПЕРЕДОВЫЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	119
17. Қулматова С.С. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	134
18. Мухторов Азамжон Абдуғаффор ўғли "ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ" МАЪЛУМОТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИНИ ҚУРИШ МЕТОДИ.....	140
19. Mukhamedjanova Kamola Akramovna APPLICATION OF BLOCKCHAIN TECHNOLOGY IN SUPPLY CHAIN OF AGRICULTURAL PRODUCTS.....	149
20. Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА К РЕИНЖИНИРИНГУ БИЗНЕС-ПРОЦЕССОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	154
21. Rakhimboev Sardor Kahramonovich, Mirzarakhimova Aziza Azimdjanoyna FOSTERING DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN AND ITS LEGAL BASIS.....	162
22. Алишер Рустамов Баҳодирович РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАРМОҚЛАНГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	169
23. Сафарова Тумарис Рустамкуловна ТУРИЗМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	172

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


24.Usmanova Muhlisa Sagdullaevna INFORMATION FUNCTION OF TAX ADMINISTRATION -FOREIGN EXPERIENCE.....	187
25.Файзиева Наргиза Рабимовна ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИФИ БЎЙИЧА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАРИ.....	194
26.Ҳакимов М.Х. РАҚАМЛИ ИҚСОДИЁТДА РЕЛЯЦИОН БЕРИЛГАНЛАР БАЗАСИ ВА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	201
27.Ирода Махмудовна Шамсиева РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	213
28.Абдурахмонова У.Р. МОДЕРНИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....	225
29.Мирзаахмедов Дилмурод Мирадилович КОРХОНАЛАРДА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИК РЕСУРСЛАРНИ ТАННАРХИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ЕЧИМИ.....	231
30.Яхшиева Мавлуда Турсуновна "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ" - ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ.....	236

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Хуррамов Ортикжон Каюмович

Бухоро давлат университети,
Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси,
ortik.khurramov@gmail.com

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛАШУВИ ВА РАҚАМЛИ ТУРИЗМ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиз учун энг устувор ва долзарб вазифалардан бири саналган рақамли иқтисодиёт ва кундан кунга ривожланиб бораётган рақамли туризмга оид фикрлар баён этилган. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бу интеграцион жараёнларнинг ривожланиши замонавий илғор ахборот коммуникацион технологиялардан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Туризм соҳасида ана шундай технология ва телекоммуникацион тизимлардан фойдаланиш рақамли туризм соҳасини вужудга келтирди. Ушбу жараёнларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш давр талаби ҳисобланади.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли туризм, илғор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ И ЦИФРОВОЙ ТУРИЗМ

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о цифровой экономике и постоянно растущем цифровом туризме, который является одним из главных приоритетов для нашей страны. Солидарность Узбекистана с международным сообществом открывает двери для процессов интеграции и глобализации. Развитие этих интеграционных процессов требует эффективного использования современных информационных и коммуникационных технологий. Использование таких технологий и телекоммуникационных систем в сфере туризма создало индустрию цифрового туризма. Социально-экономические исследования этих процессов и научные выводы являются требованием времени.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровой туризм, современные информационные технологии, телекоммуникационные системы

DIGITALIZATION OF ECONOMY AND DIGITAL TOURISM

ABSTRACT

The article emphasizes the digital economy and the ever-growing digital tourism, which is one of the top priorities for our country. Uzbekistan's solidarity with the international community opens the door for integration and globalization processes. development of these integration processes requires efficient use of modern information and communication technologies. the use of such technologies and telecommunication systems in the field of tourism has created the digital tourism industry. socio-economic studies of these processes and drawing scientific conclusions are a requirement of time.

Keywords: digital economy, digital tourism, modern information technologies, telecommunication systems

Бугунги кунда иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш масаласи Ўзбекистонда давлат даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда. Бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат - коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. [1]

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда рақамли иқтисодиётни, замонавий ахборот технологияларини давлат бошқарувида татбиқ этишни ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутувчи ҳужжат - Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси

порталида эълон қилинди.

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар "Рақамли Ўзбекистон" концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида-инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги birlikлар ва комиссия йиғимлар форматида мукофот олиш имкониятини берувчи янги блоклар яратиш ва тақсимловчи платформани қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият), смарт контрактлар (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, "блокчейн" технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш; криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш кабилар назарда тутилган.

Халқаро майдонда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг даромадли соҳаларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг муваффақиятли ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона ва ресторан хизматлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби муҳим йўналишларига ижобий таъсир кўрсатади. Туризм хизмат кўрсатишнинг этакчи соҳасидир ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инновацион шакллари ва технологияларини талаб қилади.

Шу сабабли туризм саноатини яратиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикамиз Марказий Осиёнинг энг йирик туристик масканларидан бири сифатида иқтисодиётнинг мазкур тармоғини рақамлаштиришда катта потенциалга эга ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни рақамлаштириш жараёни жуда кўплаб соҳалар каби туризм индустриясини ҳам четлаб ўтмади. Меҳмондўстлик индустриясида туристик маҳсулотларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш жараёнларидаги энг ёрқин намоёнлардан бири рақамли туризм деб номланган мутлақо инновацион йўналишни жорий этилиши бўлди.

Потенциал сайёҳлар томонидан веб-ресурслардан кенг фойдаланиш рақамли туризм пайдо бўлишига, мижозларга саёҳат йўналишини ва туризм соҳасидаги қарорларни қабул қилишга ёрдам берадиган тавсияларни ишлаб чиқиш учун интеллектуал веб-сервисларнинг ривожланишига олиб келди.

Аввало, рақамли туризм деганда туризм фаолиятини илғор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимлар орқали амалга оширишга айтилади. Рақамли туризм саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва

ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмусидир.

Ҳозирги кунда анъанавий сайёҳлик саноатини рақамли туризм индустриясига "алмаштириш" тенденцияси намоён бўлмоқда. Рақамли туризм нафақат пулни, балки асабни ва қимматли вақтингизни тежашнинг ажойиб усулидир.

Рақамли туризм қуйидаги хизматларни ўз ичига олган электрон хизматларни ўз ичига олади:

- ахборот хизматлари (масалан, манзиллар, туристик йўналишлар ёки меҳмонхоналар тўғрисида маълумот бериш, Google Maps, TripAdvisor va Viki pedia);

- алоқа хизматлари (масалан, мижоз билан муҳокама ёки электрон почта хабарини юбориш);

- тўлов ёки транзакциялар бўйича хизматлар (масалан, бронлаш, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотлар).

- электрон маркетинг хизматлари (масалан, қидирув тизимлари, баннерли реклама, мобил иловалар, QR код, ижтимоий медиа ва ҳ.к.)

Рақамли асрда кўпчилик сайёҳлар ва сайёҳлик фирмалар веб-сайтларига ташриф буюришади, уларда барча керакли маълумотларни, шу жумладан уйдан чиқмасдан 360 даражали ва панорамик кўринишда мумкин бўлган жойларни томоша қилишади.

Рақамли туризм хизматлари саёҳатчига маршрутни режалаштиришда ёрдам бериш учун керакли турар жойни топиш бўйича маслаҳат бериши мумкин. Бундан ташқари, улар ўз мобил телефонларига мобил илова қўлланма сифатида ўрнатиш имкониятига эга бўлишади.

Рақамли туризм янги тушунча эмас ва аллақачон кўплаб одамларнинг онлайн фаолиятига кирган. Шунингдек, улар TripAdvisor, Orbitz ва Expedia каби сайтлардаги тавсиялар ва шарҳларни кўриб чиқадиладар. TripAdvisor ва Kayak каби баъзи саёҳатларни бошқариш сайтлари орқали бошқа сайтлардаги хизматлар нархларини таққослаш ва Google Flights, Priceline.com, Booking.com ва Hotels.com каби туристик порталлардан авиа рейс ва меҳмонхоналарни брон қилиш имконини беради.

Саёҳат қилишни яхши кўрадиган одамлар ўзларининг фотосуратларини бошқариш учун Picasa, iPhoto, Flickr ва Facebookдан фойдаланишни аллақачон яхши билишади.

Шундай қилиб, рақамли туризм технологияга асосланган қидирувлар асосида саёҳат тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ва хилма-хиллиги, айнан бир дестинация ҳақида ундан фойдаланганларнинг фикр-мулоҳазалари, фото сурат ва видео роликлари ўша манзилни танлаш ёки танламасликка қарор қабул қилишга, режалаштиришга ҳамда уни амалга оширишга ёрдам беради.

Туризмдаги рақамлаштириш сайёҳлик бизнесини нафақат замонамизнинг воқеларига мослашувчан, балки ривожланаётган "рақамли дунё"да янада рақобатбардош қилишга мажбур қилади. Меҳмондўстлик саноатини рақамлаштириш нафақат биз мижозларга жуда катта қулайликлар, манфаатлар беради ва ўз навбатида туристик компанияларнинг эгаларига эса янада юқори даромад олишлари имконини берувчи вазиятларни таъминлашга ёрдам беради.

Қайд этилган фикр-мулоҳазалар биргаликда иқтисодий муносабатлар тизимига инновацияларни жорий қилиш билан бир қаторда Ўзбекистонда рақамли маконни шакллантириш ҳамда рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш заруратини белгилаб берди. Қолаверса, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Хуррамов О.К. Сущность и особенности электронного туризма. "Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва инсон тараққиёти даражасини оширишнинг ижтимоий-психологик йўналишлари". Ўзбекистон олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуман. 3-4 июнь 2014 й. Бухоро. Б.220-224.
3. Djuraeva Z. T., Khurramov O. K. Specialty of the usage of electronic marketing in tourism //International Scientific and Practical Conference World science. - ROST, 2015. - Т. 4. - №. 4. - С. 61-65.
4. Khurramov O.K. The role and importance of use the global internet in tourism. Бухоро давлат унверситети Илмий ахборотномаси. 2017 й., 1-сон, Б.153-157
5. Kayumovich K. O., Kamalovna S. F. Social media-marketing-a forceful tool for tourism industry //European science. - 2019. - №. 7 (49).
6. Khurramov O.K., Fayzieva S.A., Saidova F.K. The aspect and influence of use the global internet in tourism // Достижения науки и образования. - 2019. - №. 13 (54).
7. Khurramov O.K. Prospects of digital tourism development// Economics. - 2020. - №. 1(44).

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

INNOVATIONS IN ECONOMY

№SI (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000